

## Бугун Рамазон ойининг тоқ кечаси



16:02 / 13.04.2023 2282

13 апрель (пайшанба)дан - 14 апрель (жума)га ўтар кеча

Шом намозидан кейин Рамазон ойининг 23-кечаси бошланади.

Абул Олия розияллоҳу анҳу айтадилар:

**«Бир аъробий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Қадр кечаси қачон бўлади?» деб сўради.**

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазоннинг илк ва энг сўнгги ҳамда тоқ кечаларидан изланглар!»**

дедилар.

*Имом Абу Довуд ривояти.*

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазон ойининг охириги ўн кунлигидан қидиринглар», деганлар.

Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти.

***Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати***